

IX. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ИШ ҲАҚҚИ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июл ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 964,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 6655 кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди.

Доимий аҳоли сони¹⁾ (2018 йил 1 июл ҳолатига бирликда)

	Жами аҳоли	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Вилоят бўйича:	964683	469790	494893
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	135604	135604	-
Зарафшон	81936	81936	-
<i>туманлар:</i>			
Кармана	125265	43716	81549
Конимех	29876	10605	19271
Қизилтепа	147578	47410	100168
Навбаҳор	109439	15900	93539
Нурота	90159	53586	36573
Томди	14482	4689	9793
Учкудук	37027	32057	4970
Хатирчи	193317	44287	149030

¹⁾ дастлабки маълумот

Доимий аҳоли сонида қишлоқ ва шаҳар жойлардаги улуши
(2018 йил 1 июл ҳолатига, фоизда)



Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январ-июнда

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Туғилганлар	9294	9098	-196	19,8	19,1
Ўлганлар	2191	2009	-182	4,7	4,2
Табиий ўсиш	7103	7089	-14	15,1	14,9
Никоҳлар	2763	2912	149	5,9	6,1
Ажралишлар	582	523	-59	1,2	1,1

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январ-июнида туғилганлар сони 9098 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (9294 киши) нисбатан -196 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 19,1 промиллени ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (19,8 промилле) нисбатан -0,7 промиллега камайди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Туғилиш даражаси вилоятнинг Навоий шаҳар (19,0 дан 18,6 промиллега), Учқудук (23,1 дан 21,8 промиллега), Навбахор (19,6 дан 17,4 промиллега), Конимех (21,2 дан 19,6 промиллега), Қизилтепа (17,2 дан 16,6 промиллега), Нурота (20,0 дан 19,0 промиллега) туманларида камайгани кузатилди.

Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январ-июнида ўлганлар сони 2009 кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (2191 киши) нисбатан -182 тага камайди. Ўлим коэффиценти мос равишда 4,2 промиллени ташкил қилди (2017 йил январ-июнида – 4,7 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Зарафшон шаҳар (3,4 дан 3,9 промиллега), кўпайгани кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 63,0 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,2 фоизи - ўсма касалликларидан, 5,1 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 1,9 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 7,5 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлар, ҳамда 11,8 бошқа касалликлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январ-июнида бир ёшга тўлмаган 37 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 7,3 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январ-июнида 8,9 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 88,1 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 6,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони (январ-июн ойларида бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	2763	2912	582	523
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	455	464	157	134
Зарафшон	216	221	80	53
<i>туманлар:</i>				
Кармана	444	424	78	69
Конимех	69	78	18	15
Қизилтепа	475	414	62	61

¹⁾дастлабки маълумот

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Навбаҳор	295	333	49	40
Нурота	163	209	26	30
Томди	25	32	3	7
Учкудук	101	135	28	30
Хатирчи	520	602	81	84

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январ-июнида ФХДЁ органларида 2912 та никоҳлар ва 523 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,1 та никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида – 5,9 та) ва 1,1 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) га тўғри келди.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январ-июн ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 6500 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6934 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 434 кишига (2017 йилнинг шу даврида манфий 72 киши) тенг бўлди.

Энг катта манфий қолдиқлар Навоий шаҳрида (манфий 874), Зарафшон шаҳрида (манфий 145), Қизилтепа (манфий 132), Учкудук (манфий 245), туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари (январ-июн ойларида 1000 аҳоли сонига)


	Тузилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾
Вилоят бўйича:	19,8	19,1	4,7	4,2	15,1	14,9
<i>шаҳарлар:</i>						
Навоий	19,0	18,6	5,0	4,7	14,0	13,8
Зарафшон	20,3	20,0	3,4	3,9	16,8	16,1

¹⁾ дастлабки маълумот

	Туғилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾	2017 й.	2018 й. ¹⁾

<i>туманлар:</i>						
Кармана	21,3	19,9	5,3	4,6	16,0	15,3
Конимех	21,2	19,6	7,2	4,0	14,0	15,6
Қизилтепа	17,2	16,6	4,4	4,2	12,8	12,4
Навбаҳор	19,6	17,4	4,8	4,0	14,8	13,4
Нурота	20,0	19,0	5,3	4,2	14,8	14,7
Томди	14,3	14,8	4,5	4,2	9,9	10,6
Учқудуқ	23,1	21,8	4,4	3,8	18,7	17,9
Хатирчи	20,7	21,2	4,0	4,0	16,7	17,2

Аҳолининг табиий ҳаракати 2018 йил январ-июнда
(Ҳар 1000 кишига)



2018 йил январ-июн ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(дастлабки маълумот)

Иш ҳақи. 2018 йил январ-июн ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи таҳлили қўйидагиларни кўрсатмоқда: Вилоятда ўртача ойлик иш ҳақи 2153,0 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Учқудуқ туманида 3 146,7 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 146,2 %), Зарафшон шаҳрида 2 924,0 минг сўмни (135,8 %) ташкил этган бўлса, Конимех туманида 1 266,0 минг сўмни (58,8 %), Хатирчи туманида 1 169,2 минг сўмни (54,3 %), Қизилтепа туманида 1 148,3 минг сўмни (53,3 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.


Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи* (минг сўмда)

	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 йил январ-июнга нисбатан фоииз ҳисобида</i>
Навоий вилояти	1 833,0	2 153,0	117,5
Навоий ш.	1 965,9	2 232,0	113,5
Зарафшон ш	2 431,9	2 924,0	120,2
Кармана	1 267,8	1 562,2	123,2
Конимех	1 097,0	1 266,0	115,4
Қизилтепа	1 002,9	1 148,3	114,5
Навбаҳор	1 277,9	1 431,8	112,0
Нурота	1 199,5	1 335,3	111,3
Томди	1 200,5	1 408,9	117,4
Учқудуқ	2 611,2	3 146,7	120,5
Хатирчи	1 031,8	1 169,2	113,3

**) Қайта ҳисобланган, кичик тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз.*


2018 йил январ-июн ойларида Навоий вилояти шаҳар, туманлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 117,5 фоизга ошгани ҳолда, ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори суръатлари Кармана тумани 123,2%, Зарафшон шаҳри 120,2%, Учқудук тумани 120,5% ва Томди туманида 117,4% га ўсгани кузатилди.

Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январ-июн, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



**Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**

(2018 йил январ-июн, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Иқтисодий фаолият турлари кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи улуши жами иқтисодий фаолият турларига нисбатан саноатда (137,1 %), молиявий ва суғурта фаолиятида (134,8 %), курилишда (100,4 %), савдода (81,9 %), Санъат, кўнғил очиб ва дам олишда (83,0 %), Ахборот ва алоқада (81,1 %), Ташиш ва сақлаш (63,1 %), Таълимда (60,5 %), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда (51,6 %) ва бошқа йўналишлар (70,1 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.